

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИЛЁСОВ АСРОРЖОН АХРОРЖОН ЎҒЛИ**

**САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҒИ МИСОЛИДА)**

**08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти» (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Илёсов Асроржон Ахроржон ўғли**

Саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини  
такомиллаштириш (Фарғона вилояти саноат тармоғи мисолида).....3

**Илёсов Асроржон Ахроржон угли**

Совершенствование организационно-экономических механизмов экспорта  
промышленной продукции (На примере промышленного сектора Ферганской  
области).....25

**Pyosov Asrorjon Axrorjon ugli**

Improving the organizational and economic mechanisms of export of industrial  
products (On the example of the industrial sector of the Fergana  
region).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИЛЁСОВ АСРОРЖОН АХРОРЖОН ЎҒЛИ**

**САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҒИ МИСОЛИДА)**

**08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти» (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt1405 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ferpi.uz](http://www.ferpi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курпаяниди Константин Иванович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Носиров Илҳом Аббосович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Гаибназарова Зумрад Талгатовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.I.106.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: 8(373) 241-12-06, факс: 8(373) 241-12-06, e-mail: [ferpi\\_info@edu.uz](mailto:ferpi_info@edu.uz)).

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: 8(373) 241-12-06, факс: 8(373) 241-12-06, e-mail: [ferpi\\_info@edu.uz](mailto:ferpi_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н.Исманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**О.Т.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, PhD

**Д.Қудбиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон хўжалигидаги глобаллашув жараёнлари сўнгги йилларда товарлар экспортининг ўсиши жаҳон ялпи ички маҳсулоти ўсишига нисбатан орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва рақобатбардошлик билан боғлиқ омиллар, саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш зарурати юзага келмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, «жаҳон товарлар савдоси 2020 йил 5,3 фоизга, 2019 йилда эса 3,0 фоизга камайиб, 2018 йилдаги 2,9 фоиз ўсишдан сезиларли даражада паст натижа қайд этган. 2022 йилга келиб эса жаҳон товарлар савдоси 4 %гача пасайиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда»<sup>1</sup>. Жами товарлар савдосининг сустлашганлиги, асосан, саноат маҳсулотлари экспортининг пасайиши ҳисобига юз бермоқда. Саноат маҳсулотлари товарлар экспортининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун жаҳон товарлар савдосини ривожлантиришда саноат маҳсулотлари экспортининг ўсиши устуворликка эга бўлиб, бу эса соҳада ташкилий-иқтисодий механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатларида мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежамкор замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш, саноат маҳсулотлари таннархини пасайтириш, саноат маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш мақсадида ҳуқуқий, институционал ва инвестицион муҳитни яхшилаш, саноат маҳсулотлари экспортга божхона ва солиқ имтиёзлари бериш орқали рағбатлантириш каби йўналишларда кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳудудий саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди. Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш юзасидан кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. «Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни бажариш учун саноат

<sup>1</sup> [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/wts2020\\_e/wts2020\\_e.pdf](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020_e.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида.//Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017 йил 13 февраль. – №6(766). – 33-35-бетлар.

маҳсулотлари, айниқса, ҳудудий саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ-5286-сонли «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сонли «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сонли «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 373-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 30 январдаги 46-сонли ««Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва ушбу соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика илм-фан ва илмий фаолият соҳаси асосий йўналишларининг I. «Илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш» йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзуси бўйича илмий изланишлар халқаро ташкилотларнинг илмий марказ ва муассасалари<sup>3</sup> United Nations Industrial Development Organization (UNIDO), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD), Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), The World Bank Group (WB) ва The World Economic Forum (WEF) томонидан амалга оширилмоқда.

Экспортнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири масалалари Р.Харрод, Е.Грайпл, Д.Энгельхарт, П.Линдерт, М.Портер, К.Риттенбрук каби хориж иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.unido.org/news/unidos-competitive-industrial-performance-index-2020-country-profiles-published>; [Annual Report 2020 flyer \(unctad.org\)](https://unctad.org/Annual-Report-2020-flyer); OECD (2019), OECD Compendium of Productivity Indicators 2019, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/b2774f97-en>; <https://www.elibrary.imf.org/view/journals/001/2019/105/001.2019.issue-105-en.xml?Tabs=toc-97092>;

<sup>4</sup> Harrod R. F. Walras: a re-appraisal //The Economic Journal. – 1956. – Т. 66. – №. 262. – С. 307-316.; Lindert P. H., Williamson J. G. Does globalization make the world more unequal? //Globalization in historical perspective. –

Шунингдек, ташқи савдо масалалари бўйича россиялик олимлардан И.П.Фаминский, С.А.Ситарян, Э.Г.Кочетов, С.Ю.Глазьев, О.Т.Богомолов, М.И.Шахматов, М.А.Портной, А.Г.Гранберг, А.С.Булатов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар<sup>5</sup>.

Ўзбекистон худудлари ва саноатининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари М.Абдусаломов, А.Ваҳобов, А.Расулев, Р.Рахмонов, Л.Мингашов, Н.Сирожиiddинов, Н.Отажонов, Д.Хайдаров, Н.Асқаров, М.Т.Бўтабоев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган<sup>6</sup>.

Шу билан бирга, экспорт ва ташқи савдо фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари У.В.Гафуров, И.Ю.Умаров, Ф.Х.Хақимов, саноат тармоқлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари М.Р.Болтабоев, З.Дж.Адиловалар томонидан ўрганилган<sup>7</sup>.

Шунга қарамасдан, худудий даражада саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммолари етарли тарзда тадқиқ қилинмаган. Айнан ана шу ҳолат мазкур мавзу доирасида

---

University of Chicago Press, 2003. – С. 227-276.; Портер, Майкл, Э. Конкуренция.: Пер. с англ. — М.: Издательский дом "Вильямс", 2005. — 608 с.: ил. — Парал. тит. англ. ISBN 5-8459-0794-2 (рус.) стр.228.

<sup>5</sup> Фаминский, И. П. Глобализация - новое качество мировой экономики: учеб. пособие. И. П. Фаминский. – М.: Магистр: ИНФРА-М, 2012. – 398 с. - ISBN 978-5-9776008-0-4.; С.А.Ситарян. Долгосрочные сценарии внешнеэкономической стратегии России. М.: URSS, 2009. – 480 с.м ISBN 978-5-397-00809-9.; Э.Г.Кочетов. Геоэкономика. Освоение мирового экономического пространства. Учебник для вузов. М.: Норма, 2010. – 528 с. ISBN 5-89123-906-X; С.Ю.Глазьев. Экомика будущего. Есть ли у России шанс? Учебное пособие. М.: Книжный мир, 2017. – 640 с.; О.Т.Богомолов. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: Экономика, 2007. – 359 с.; Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. Экономика современной Азии: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М., Международные отношения, 2011 264 с.; М.А.Портной. Деньги в национальном и мировом хозяйстве. М.: Магистр, 2017. – 496 с.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. 5-е изд. М.: Изд. дом ГУ-ВШЭ, 2006. – 496 с.; Булатова А.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Полный курс: учебник. 3-е изд. –Москва: КНОРУС, 2017. -916 с.

<sup>6</sup> Абдусаломов М. Проблемы и предпосылки углубления экономики Узбекистана в мировое хозяйство. – Тошкент, 2006; А.Расулев. Современное состояние, проблемы и перспективы развития внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан //Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. Ташкент.: Издательский дом “Мир экономики и права”, 1997. - 120 с.; Рахмонов Р. Фарғона минтақаси экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни такомиллаштириш йўллари: икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2012. Мингашов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: икт. фан. бўй. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2018. – 12 б. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Ташкент. УМЭД, 2004. – 224 с.; Отажонов Н.. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон ташқи савдоси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент. 2003.; Хайдаров Д.. Экономическая безопасность Узбекистана в контексте развития внешней торговли. Ташкент. 2008.; Асқаров Н. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ва божхона соҳаларини уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш: докторлик диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2016. – 250 б.; Бўтабоев М.Т. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиёт. Дарслик. 2020

<sup>7</sup> Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: докторлик диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2017. – 258 б.; Умаров И.Ю.. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2020. – 210 б.;; Ф.Х.Хақимов. Экономический механизм повышения экспортного потенциала промышленности Узбекистана. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2004. – 150 б.; Болтабоев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: икт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: ТДИУ, 2005. – 342 б.; Адилова З.Дж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси: икт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2008. – 325 б.

тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этишлигини тақозо қилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-5 рақамли «Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини такомиллаштириш орқали ҳудудий рақобатбардошликни янада ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ва унда экспортнинг ролини ўрганиш;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

вилоятнинг рақобат устунликларини баҳолаш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортининг ривожланиш йўналишлари ва тенденцияларини тадқиқ қилиш;

аниқланган тенденциялар асосида саноат маҳсулотлари экспортининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона вилояти саноат тармоғи танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, саноат маҳсулотлари экспорти билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий механизмлар ва уларга оид муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, анализ, синтез, статистик гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, математик моделлаштириш, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил қилиш, эксперт баҳолари, илмий прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш тузилмаси, бошқариш тузилмаси, ҳамкорлик тузилмаси ҳамда мижозлар ва стажёр-кадрлар билан ишлаш тузилмаларини концентрациялаш асосида «Саноат маҳсулотлари экспорт маркази»нинг таркибий тузилиши такомиллаштирилган;

ҳудудий даражада саноат маҳсулотлари экспортга таъсир кўрсатувчи бевосита омиллар таркибига экспортга ишлаб чиқаришнинг кадрлар таркиби ва ҳудудий саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлиги омилларини,



билвосита омиллар таркибига ташқи савдо ва божхона сиёсати ҳамда давлат-хусусий шерикчилик сиёсати омилларини киритиш орқали экспортга тайёрлик индексининг «паст» (0-20 %), «ўртача» (21-50 %), «юқори» (51-80 %) ва «энг юқори» (81-100 %) чегарасидаги мезонлари орқали баҳолаш асосланган;

Фарғона вилоят саноат маҳсулотлари экспортига асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, экспорт билан шуғулланувчи саноат корхоналари учун белгиланган солиқ ставкаси, саноат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган корхоналар, ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми ва инфляция даражасининг таъсирини муқобиллаштириш асосида 2025 йилга кадар прогноз кўрсаткичлари асосланган;

саноат кластери таркибига экспорт тузилмасини интеграциялаш асосида саноат маҳсулотлари экспорти самарадорлигини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизм асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмлари борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида «Саноат маҳсулотлари экспорт маркази»нинг такомиллашган таркибий тузилиши ишлаб чиқилган;

саноат маҳсулотлари экспортининг ривожланиш ҳолати статистик кўрсаткичлар асосида тармоқ кесимида таҳлил қилинган, ўзгариш тенденциялари аниқланган ва унга таъсир қилувчи омиллар таркиби бойитилган;

Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспорти ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг корреляцион-регрессион таҳлили асосида 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

саноат кластери таркибига экспорт тузилмасини интеграциялаш орқали саноат экспорти кластерининг тузилмаси ишлаб чиқилган ҳамда унинг афзалликлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларининг илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, маълумотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбалари, йиллик статистик тўпламларидан олинганлиги ва уларни таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи

корхоналарнинг экспорт фаолиятини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Амалий жиҳатдан эса, тадқиқот натижаларидан ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини янада оширишда, таълим жараёнида «Индустриал иқтисодиёт», «Божхона иши» ва «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанларидан маъруза матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хизмат кўрсатиш тузилмаси, бошқариш тузилмаси, ҳамкорлик тузилмаси ҳамда мижозлар ва стажёр-кадрлар билан ишлаш тузилмаларини концентрациялаш асосида «Саноат маҳсулотлари экспорт маркази»нинг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали ташкилий-иқтисодий самарадорликни таъминлашга қаратилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятига жорий қилинган (Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги №39-03-05/3476-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида экспорт марказининг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, ҳудудларда экспорт билан боғлиқ инфратузилма элементларини янада ривожлантириш имкониятини 12%га кенгайтиришга ҳамда саноат маҳсулотлари экспортини 15 %га ортишига эришилган;

ҳудудий даражада саноат маҳсулотлари экспортга таъсир кўрсатувчи бевосита омиллар таркибига экспортга ишлаб чиқаришнинг кадрлар таркиби ва ҳудудий саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлиги омилларини, билвосита омиллар таркибига ташқи савдо ва божхона сиёсати ҳамда давлат-хусусий шерикчилик сиёсати омилларини киритиш орқали экспортга тайёрлик индексининг «паст» (0-20 %), «ўртача» (21-50 %), «юқори» (51-80 %) ва «энг юқори» (81-100 %) чегарасидаги мезонлари орқали баҳолаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятига жорий қилинган (Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги №39-03-05/3476-сонли маълумотномаси). Мазкур янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудий даражада саноат маҳсулотлари экспортга таъсир кўрсатувчи бевосита ва билвосита омиллар таркибини такомиллаштириш асосида соҳа фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобат устунлигидан фойдаланган ҳолда саноат маҳсулотлари экспорти 8-10 %га ортиши таъминланган;

Фарғона вилоят саноат маҳсулотлари экспортга асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, экспорт билан шуғулланувчи саноат корхоналари учун белгиланган солиқ ставкаси, саноат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган корхоналар сони, ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми ва инфляция даражасининг таъсирини ҳисобга олувчи тренд модели

асосида 2021-2025 йиллар учун асосланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятига жорий қилинган (Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги №39-03-05/3476-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгилик амалиётга жорий этилиши натижасида саноат маҳсулотлари экспорти бўйича ҳудудий ривожлантириш стратегияси аниқлигини ошириш имконини берди;

саноат кластери таркибига экспорт тузилмасини интеграциялаш асосида саноат маҳсулотлари экспорти самарадорлигини таъминлаш бўйича такомиллаштирилган ва асосланган ташкилий-иқтисодий механизм юзасидан таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятига жорий қилинган (Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги №39-03-05/3476-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида интеграция алоқаларини яхшилаш, ҳудудий рақобатбардошликни ривожлантириш ва саноат маҳсулотлари экспортини 10-12 %га ортишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, шунингдек, юқори импакт факторли хорижий илмий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳсулот экспортининг ташкилий-иқтисодий асослари**» деб номланиб, миллий иқтисодиётда экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида саноат маҳсулотлари экспортида қиёсий ва мутлақ устунликлардан фойдаланишнинг аҳамияти, саноат

маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибалари ёритилган.

Иқтисодий тизимдаги таркибий ўзгаришлар ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими механизмлари алоҳида ўрин тутади (1-расм).



**1-расм. Давлат томонидан саноат маҳсулотлари экспортини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими механизми<sup>8</sup>**

Мазкур механизм орқали қуйидагиларга эришиш кўзда тутилган:

саноат ишлаб чиқаришни сифатли ички ва ташқи хом ашё билан таъминлаш орқали рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, интенсив ва замонавий технологияларни жорий қилиш асосида самарадорликни ошириш, экспорт салоҳиятини давлат томонидан рағбатлантириш тизими жозибадорлигини таъминлаш;

мавжуд солиқ, божхона ва молия-кредит имтиёзларини қайта кўриб чиқиш, реэкспорт ва божхона ҳудудида қайта ишлаш режимлари учун алоҳида имтиёзлар яратиш. Бунда ушбу режимлардан фойдаланиш муддати инобатга олиниб экспорт ҳажмини оширишга қўшган ҳиссасига қараб солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим қилиш;


<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

етақчи мамлакатлар тажрибаларига таянган ҳолда чет элда маҳаллий саноат маҳсулотларини тарғиб қилувчи экспорт марказларини ташкил қилиш. Бундай марказлар фаолияти: бозордаги талаб, таклиф, нарх, рақобат ҳолатини ўрганиш; бозордаги ўзгаришларни доимий таҳлил қилиб бориш ва тавсиялар ишлаб чиқиш; кўргазма ва турли лойиҳалар ташкил қилиш; янги бозорларга кириш имкониятларини ўрганиш; экспорт билан боғлиқ маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш ва бошқалар;

замонавий маркетинг усулларини жорий қилиш асосида маҳаллий экспортёрларнинг импортёр мамлакатлар бозоридаги ҳолатига мос стратегияларни ишлаб чиқиш. Саноат маҳсулотларининг ҳаётийлик циклини таҳлил қилиш ҳамда SWOT таҳлили асосида унинг бозордаги позициясини янада мустаҳкамлаш;

сертификатлаштириш тизими фаолиятини такомиллаштириш орқали Европа Иттифоқининг GSP+, ISO халқаро стандартларини қўлга киритиш жараёнларини экспортёр саноат корхоналари учун соддалаштириш ва такомиллаштириш. Электрон сертификатлаш тизими фаолиятини янада ривожлантириш;

eBay, Amazon, Alibaba каби етакчи хорижий савдо майдончалари билан ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш, халқаро тўлов тизимларини жорий этиш.



2-расм. Саноат маҳсулотлари экспорт маркази ташкилий-структуравий тузилмаси<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Экспортга йўналтирилган саноатлаштириш мамлакатга келажакда саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали валюта барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳоли харид қобилиятини ошиши, турмуш фаровонлигини яхшиланишига олиб келади.

Экспорт фаолияти ташкилий, ҳуқуқий, молиявий ва иқтисодий механизмлар таъсирида амалга ошади. Ташкилий-иқтисодий механизмлардан бири сифатида хорижий мамлакатларда ижобий самара берган Саноат маҳсулотлари экспорт марказ (кейинги ўринларда Марказ)ларини ташкил этиш муҳим инфратузилмавий асос ҳисобланади. Марказ бошқариш, хизмат кўрсатиш, ҳамкорлик ва мижозлар ҳамда стажёр-кадрлар билан ишлаш каби ташкилий тузилмаларни ўзида бирлаштиради (2-расм):

Марказ маҳаллий экспортёрлар учун қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

Экспорт ва техник кўмак бўйича маслаҳат. Ушбу хизмат экспортга тайёргарлик ва режалаштириш, экспортга тайёрликни баҳолаш, экспорт стратегияси ва халқаро бизнес режа ишлаб чиқиш, халқаро савдо, маркетинг ва савдо каналларини ривожлантириш бўйича мақсадли экспорт бозорларини танлаш ва баҳолаш, халқаро молиялаштириш ва тўловлар бўйича хорижий ҳамкор ва мижозларни топиш қўникмасини шакллантириш, экспорт меъёрларига мослаштириш, экспорт логистикаси, экспорт хизматларини тақдим этувчи хорижий ташкилотлар билан ишлаш кабиларни ўз ичига олади.

Халқаро бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш. Халқаро бизнес режа ишлаб чиқиш, мақсадли экспорт бозорларини баҳолаш ва танлаш, халқаро сотиш, маркетинг ва тарқатиш каналларини ишлаб чиқиш, бошқариш бўйича қўлланма, хорижий кўргазмаларни аниқлаш ва ташкил қилишга кўмаклашиш, халқаро кўргазма ва лойиҳаларда иштирок этиш, хорижий мамлакатда миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу мамлакат давлат ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликни қамраб олади.

Экспорт нормаларини мувофиқлаштириш. Экспорт фаолиятига оид қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш ҳамда лицензиялаш, турли руҳсатномалар олишга оид масалаларда кўмак бериш.


Экспорт бўйича ўқув дастурлари. Ҳар йили бир неча марта ташкил этиладиган «Экспорт бўйича ҳамкорлар» (Partners for trade) дастури доирасида савдо палаталари, уюшмалари, иқтисодий ривожланиш агентликлари ва хусусий сектор иштирокидаги ўқув семинарларидан иборат.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари экспортининг ўзгариш тенденциялари таҳлили**» номли иккинчи бобида Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари экспортининг тармоқ ва ҳудудий таҳлили, Фарғона вилоятида саноат маҳсулотлари экспорт таркиби таҳлили ва экспорт жараёнидаги тенденцияларнинг ўзгариши, саноат маҳсулотлари экспортида рақобатнинг ҳудудий устунликларини баҳолаш каби масалалар ёритиб берилган.

Мамлакатимиз “Учинчи Ренессанс”га ўтаётган бир даврда, шубҳасиз, саноат тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бирига айланади. Қабул қилинаётган ҳудудий, тармоқ ва соҳаларга оид дастурларнинг

амалга оширилиши билан ушбу тармоқнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиб, янги замонавий технологик янгиланиш асосида меҳнат унумдорлигининг ортишига эришилмоқда. Бу жараёнлар бевосита ва билвосита омиллар таъсири остида рўй бермоқда.

Олиб борилган назарий тадқиқотларга асосида ҳудудий даражада саноат маҳсулотлари экспортига таъсир кўрсатувчи бевосита омиллар таркибига экспортга ишлаб чиқаришнинг кадрлар таркиби ва ҳудудий саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлиги омилларини, билвосита омиллар таркибига ташқи савдо ва божхона сиёсати ҳамда давлат-хусусий шерикчилик сиёсати омилларини киритиш орқали иқтисодий самарадорлик асослаб берилди (3-расм).



3-расм. Саноат маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омиллар<sup>10</sup>

Экспортга тайёрлик индексининг ҳудудий даражадаги ҳолати саноат тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, соҳа етакчи экспертлари томонидан баҳолаш мезонлари оралиғи ишлаб чиқилган (1-жадвал).

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

## 1-жадвал

### Экспортга тайёрлик индексининг ҳудудий даражада баҳолаш мезонлари<sup>11</sup>

Баҳолаш мезонлари	Баҳолаш кўрсаткичлари, % да
Паст	0-20
Ўртача	21-50
Юқори	51-80
Энг юқори	81-100

2011-2020 йилларда Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортининг динамик ривожланиш тенденцияси юқоридаги бевосита омилларнинг таъсири асосида аниқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Фарғона вилоят туманларидаги саноат маҳсулотлари экспортининг 2011-2020 йиллардаги ривожланиш динамикаси, минг АҚШ доллари<sup>12</sup>

Худудлар	Йиллар									
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>395771,9</b>	<b>335740,6</b>	<b>343927,7</b>	<b>362837,9</b>	<b>289100,0</b>	<b>320967,8</b>	<b>365143,5</b>	<b>336156,2</b>	<b>337182,9</b>	<b>347836,5</b>
Марғилон ш.	4392,7	3078,5	3922,0	1989,8	5160,2	8446,2	9565,7	11659,6	10327,1	16496,6
Фарғона ш.	177596,9	152782,3	137958,4	138269,0	79586,0	94148,5	81937,3	45684,0	38973,4	18295,1
Қувасой ш.	4529,4	3333,5	3715,5	2399,9	812,6	707,6	4189,5	2576,0	4972,9	7946,5
Кўкон ш.	24814,7	37061,6	65416,2	105848,9	93078,2	74406,7	102903,9	109903,1	106989,6	98278,9
Бағдод	15779,4	6119,9	2826,2	2696,0	1432,3	929,8	1397,6	997,0	2045,8	3822,4
Бешарик	14383,3	9330,8	9101,6	5239,7	4881,2	3968,5	4206,7	3462,8	4112,9	2523,7
Бувайда	881,4	0,0	22,0	699,0	46,9	71,3	7111,4	545,7	6635,7	2905,9
Данғара	169,9	23209,9	41385,5	33280,4	40735,8	25081,4	2266,7	5490,9	7886,5	9597,7
Ёзёвон	0,0	0,0	0,0	0,0	1178,2	0,0	109,1	66,8	465,4	1830,7
Олтиарик	76,29	208,77	186,25	694,00	1156,20	1159,95	2188,85	1689,74	2607,07	5015,9
Кўштепа	0	120,1	325,3	372,3	155,5	98,9	68,3	74,6	1401,7	5147,6
Риштон	12994,1	5651,6	6552,3	6882,2	6129,1	7844,2	8936,4	6867,4	7826,7	5665,1
Сўх	0,7	0,0	0,0	0,0	0,0	496,4	1115,1	1525,0	1203,6	1480,5
Тошлоқ	113466,4	101695,9	95984,5	78893,6	71593,8	94444,1	118970,1	119438,3	111287,6	93133,8
Учкўприк	6768,2	4720,0	4651,9	3275,7	1507,1	3336,1	3126,7	1548,5	6367,3	18563,7
Фарғона	5,194	0	1,07	6,078	32,278	1899,2	4261,581	6230,245	5796,5	7785,9
Фурқат	1472,4	343,5	503,9	450,5	468,4	899,9	601,4	642,9	871,1	6021,1
Ўзбекистон	7817,7	5524,2	774,6	2447,7	294,0	613,7	990,4	653,2	2334,6	2632,1
Қува	7916,3	1966,5	2832,9	3471,3	11727,3	16572,8	14681,3	29043,5	24305,5	13197,1

Ўрганилаётган даврда саноат маҳсулотлари экспорти кўрсаткичи таҳлили ўрганилаётган даврда унинг маълум тебранишлар асосида ўзгарганлигини кўрсатади. Яъни, 2013, 2014, 2016, 2017, 2019 йилларда ўтган даврга нисбатан ўсиш кузатилган бўлсада, 2010 йилга нисбатан олганда 2020 йилда саноат маҳсулотлари экспорти сезиларли даражада камайган. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, саноат маҳсулотлари экспорти 2010 йилда 372509,2 минг. АҚШ доллари, 2020 йилда эса 347836,5 минг. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, -47935,4 минг. АҚШ долларга камроқ ёки 12,2 %га пасайганлигини, лекин ўтган 2019 йилга нисбатан ўсиш қайд этилганлигини кўриш мумкин. 2010 йилга нисбатан бундай ўзгаришнинг сабаби сифатида

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



миллий иқтисодиёт даражасида валюта сиёсатининг либераллаштирилишини кўрсатиш мумкин.

Бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлган ташқи савдо ва божхона сиёсатининг асосини ташкил қилувчи Рақамли божхонанинг етуклик модели тавсия қилинган (4-расм).



4-расм. Рақамли божхона етуклик модели<sup>13</sup>

Фарғона вилоятида саноат маҳсулотлари экспортига омиллар таъсирини ўрганишдан олдин унинг ҳолатини баҳолаш мақсадида бозорнинг кучли, заиф томонлари, мавжуд имкониятлар ва хатарларни аниқлашга ёрдам берувчи SWOT таҳлилни амалга оширилди (3-жадвал).

SWOT таҳлилининг ҳар бир гуруҳ омиллари саноат маҳсулотлари экспортидаги ҳолатнинг қандай ўзгаришда ривожланиб боришига тўғридан-тўғри таъсир этади. Албатта, SWOT таҳлил матрицасининг ҳар бир бўлагида жойлашган ҳолатлар бўлак номи билан муносиб равишда ўзгаришларни белгилайди.

Таҳлил матрицасидаги бўлақларда жойлашган омилларнинг бир-бири билан кесишуви асосида SWOT таҳлил кесишув матрицасини ҳосил қиламиз. Кесишув матрицасининг устун қисмига Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқариш ва экспортининг кучли ва заиф томонларини, сатр қисмига эса мавжуд имкониятларни ва бозорнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хатар ва таҳдидларни жойлаштирамиз.

### 3-жадвал

#### Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортининг SWOT таҳлили<sup>14</sup>

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<p>1. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган юқори географик ва табиий салоҳият.</p> <p>2. Мавжуд ишчи кучи салоҳияти ва унинг малака даражаси.</p> <p>3. Худудий рақобатбардошликни таъминлашда соҳа фаолиятининг муҳимлик даражасининг юқорилиги.</p> <p>4. Саноат маҳсулотлари учун ўсиб бораётган реал талабнинг мавжудлиги.</p> <p>5. Соҳа фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш даражасининг юқорилиги.</p>	<p>1. Мавжуд юқори салоҳиятдан максимал даражада фойдаланилмаслик.</p> <p>2. Саноат маҳсулотларининг халқаро талабларга мос келмаслиги.</p> <p>3. Соҳа фаолиятига оид ахборотларнинг етишмаслиги.</p> <p>4. Саноат маҳсулотлари экспортига хизмат қилувчи инфратузилмалар ва кластерларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги.</p> <p>5. Хизмат кўрсатиш сифатининг паст даражаси.</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p>1. Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари учун саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантириш тенденцияси.</p> <p>2. Саноат тармоғининг инвестицион жозибаторлигини ошириш.</p> <p>3. Соҳага оид хизматлар кўрсатиш базасини кенгайтириш имкониятлари мавжудлиги.</p> <p>4. Янги қувватларни ишга тушириш ва кластерларни шакллантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш имконияти.</p> <p>5. Соҳа фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали қисқа вақтда ички ва ташқи талабнинг ортиши ҳисобига қувватлардан фойдаланиш даражасини кенгайтириш.</p>	<p>1. Давлатнинг соҳага оид ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.</p> <p>2. Халқаро ахборот тизимларига қўшилиш натижасида халқаро бозордаги етакчи саноат корхоналари билан рақобатнинг юзага келиши.</p> <p>3. Рақобатчиларнинг пайдо бўлиши натижасида хизматлар ва даромадларнинг рақобатчилар ўртасида тақсимланиши.</p> <p>4. Саноат маҳсулотлари экспорти самарадорлигини таъминловчи инфратузилма тизимининг етарли даражада шаклланмаганлиги.</p> <p>5. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тайёр «Экспортчи-мутахассис» кадрларнинг етишмаслиги.</p>

Тадқиқот ишининг «**Худудларда саноат маҳсулотлари экспортини рағбатлантирувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида миллий ҳамда худудий даражада саноат маҳсулотлари экспортини омилли боғланишлар асосидаги прогнози, саноат маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда саноат экспорти кластеридан фойдаланишнинг афзалликлари ёритиб берилган.

<sup>14</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф тадқиқотлари натижалари асосида тайёрланган.

